

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc/PhD. 03/30.12.2019.Fil.20.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМБЕТОВ ИКРАМ КАМАЛОВИЧ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ШЕЪРИЯТИДА БАДИИЙ ШАКЛ ВА ЖАНРИЙ  
ИЗЛАНИШЛАР  
(1930 ЙИЛЛАР ҚОРАҚАЛПОҚ ШЕЪРИЯТИ МИСОЛИДА)**

**10.00.12 – Қорақалпоқ адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ  
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2021**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

**Мамбетов Икрам Камалович**

Қорақалпоқ шеърлятида бадий шакл ва жанрий  
изланишлар (1930 йиллар қорақалпоқ шеърляти мисолида) .....3

**Мамбетов Икрам Камалович**

Формальные и жанровые искания в каракалпакской поэзии  
(на примере каракалпакской поэзии 1930-х годов).....25

**Mambetov Ikram Kamalovich**

Formal and Genre Searches in Karakalpak poetry (on the example  
of Karakalpak poetry of the 1930s).....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....51

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc/PhD. 03/30.12.2019.Fil.20.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМБЕТОВ ИКРАМ КАМАЛОВИЧ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ШЕЪРИЯТИДА БАДИИЙ ШАКЛ ВА ЖАНРИЙ  
ИЗЛАНИШЛАР  
(1930 ЙИЛЛАР ҚОРАҚАЛПОҚ ШЕЪРИЯТИ МИСОЛИДА)**

**10.00.12 – Қорақалпоқ адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ  
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4. PhD/Fil1078 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.karsu.uz](http://www.karsu.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим тармоғида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Оразимбетов Қуанишбай Келимбетович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Хошаниязов Жалгасбай Хошаниязович**  
филология фанлари доктори (DSc)

**Қурамбаев Каримбай**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети**

Диссертация химояси Қорақалпоқ давлат университети хузуридаги DSc/PhD.03/30.12.2019.Fil.20.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «18» сентябр кунини соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдилов кўчаси, 1-ўй. Тел: (99861) 223-59-25, факс: (99861) 223-59-25; e-mail: [karsu\\_info@edu.uz](mailto:karsu_info@edu.uz).)

Докторлик диссертацияси билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдилов кўчаси, 1-ўй. Тел: (99861) 223-59-25.

Диссертация автореферати 2021 йил «6» сентябр кунини тарқатилди.  
(2021 йил «6» сентябр даги 2 рақамли реестр баённомаси).



**Ш.Н.Абдиназимов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф.д., профессор

**Г.Е.Карлыбаева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д. (DSc)

**К.Қ.Жаримбетов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол. ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослиги тараққиётида бадий асар шакли ҳамда унинг мазмунга алоқадорлиги муаммоси муайян даврлар кесимида батафсил ўрганилган. Зеро, бадий шакл эстетик идрокни белгилаб бериши, структура ва маъно муносабати матн поэтик яхлитлигини таъминлаши эътироф этилган ҳодиса. Муайян босқичда шакл мустақиллигини таянч маркази сифатида белгилаган таълимот жанр канонлари мустаҳкамланишига муносиб ҳисса қўшди. Айниқса, XX аср 30-йилларида анча оммалашган ижодий тажрибалар ғоявий ақида устуворлиги ҳамда мафкура яккаҳокимлигини чеклаб қўяди. Бунинг натижаси ўлароқ шеър кўнгил изҳори ва руҳ фалсафасига айланаёзди.

Дунё адабиёти ажралмас қисми саналадиган Шарқ мумтоз сўз санъатида азал-азалдан бадий шакл тадрижга махсус эътибор берилади. Маъно силжиши ва шакл юришларини яхлитлаштирган илғор ижодий анъаналарда кайфиятни туртиб уйғотиш майли бўртиб туради. Китобхон эстетик идрокига таъсир ўтказиш усули ғазал, мустаҳзод, мувашшаҳ янглиғ жанрлар барқарорлигини белгилайди. Аслида шакл маъно такомилли эстетик идрок сезгисини ҳаракатга келтирадиган асосий омил, унда ўқувчи ҳис-туйғусини ижодий мантиққа йўналтирадиган жозиб қувват-ҳофиза жилваланади. Айнан сезимни янгилаш ва ифода бетакрорлигини тайин этиш шакл зиммасига тушади. Одатда, мазмунга мувофиқ шакл танлови нозик иқтидорга туташади.

Ҳозирги қорақалпоқ адабиётшунослигида бадийлик асослари ҳар хил миқёсда тадқиқ қилинган. Унда ғоявий талқин ва эстетик қамров муносабати назарий ақидани белгилайди. Фанда муайян илмий эҳтиёж ҳосил қилаётган муаммолардан бири XX аср 30-йиллари қорақалпоқ адабиётида шаклий изланишлар, индивидуал талқин генезиси, адабий ривожланиш қонуниятлари билан пайвандланади. Инчунун, жорий босқичда миллий адабиётда бадий шакл ислоҳоти кўзга ташланади. «Бу ўринда гап, энг аввало, ёшлар ва аҳоли ўртасида мамлакатимиз бой тарихини, унинг бетакрор маданияти ва миллий қадриятларини кенг тарғиб қилиш, жаҳон илм-фани ва адабиёти ютуқларини етказиш учун зарур муҳит ва шарт-шароит яратиш ҳақида бормоқда»<sup>1</sup>. Шеър бадий шакли ғоят кенг тушунча, унинг вужудга келиш омиллари, миллий мансублик хусусиятларини белгилаш тадқиқот долзарблигини тавсифлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳақида»ги ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси, 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2020

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қойдаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б.47.

йил 23 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни янги тахрирдаги лойиҳаси, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистон янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, шунингдек, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросига муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қорақалпоқ ҳамда жаҳон адабиётшунослиги назариясида XX аср 30-йиллари қорақалпоқ адабиётида шаклий изланишлар, адабий талқин вужудга келиш омиллари, ривожланиш босқичлари махсус илмий-тадқиқот объекти сифатида ҳали ўрганилмаган.

Тадқиқотда В.М.Жирмунский, Б.М.Томашевский, Г.Н.Поспелов, В.Б.Шкловский, М.Л.Гаспаров, Л.И.Тимофеев, М.Ҳамраев, З.Ахметов, И.Султон, У.Тўйчиев, Р.Орзибеков, М.Иброҳимов, Н.Каримов<sup>2</sup> илмий-назарий қарашларига таянилди. Шунингдек, қорақалпоқ шеършунослари Н.Дауқараев, М.Нурмухамедов, Қ.Мақсетов, С.Ахметов, К.Мамбетов, Қ.Жаримбетов, Қ.Оразимбетов, Қ.Муратбаев, Б.Генжемуратов, О.Гайлиева, А.Досимбетовалар<sup>3</sup> тадқиқот йўналиши диссертацияда раҳбарликка олинди.

**Тадқиқот диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети илмий-тадқиқотлар дастурининг «Қорақалпоқ адабиётини тадқиқ қилиш ва

---

<sup>2</sup> Жирмунский В.М. Рифма и ее история и теория. – Петроград: С.П.Б., 1925.; Томашевский Б.В. Теория литературы. Поэтика, – Москва: Аспект Пресс, 1999.; Шкловский В. О теориях прозы. – Москва: Федерация, 1929.; Поспелов Г.Н. Проблемы литературного стиля. – Москва: МГУ, 1970.; Гаспаров М.Л. Современный русский стих. – Москва: Наука, 1977.; Тимофеев Л.И. Стих как система. – Москва: 1987.; Ҳамраев М. Основы тюркского стихосложение. – Алма-ата: Академий наук Казахской ССР, 1963.; Ахметов З. Казахское стихосложение. – Алма-Ата: Наука, 1964.; Иззат Султан. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986.; Тўйчиев У. Ўзбек совет поэзиясида бармоқ системаси. – Тошкент: Фан, 1966.; Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар. – Тошкент: 1976.; Иброҳимов М. Ўзбек совет жанрларининг таркиб топиши. – Тошкент: Фан, 1983.; Каримов Н. Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар рангбаранглиги. – Тошкент: Фан, 1983.

<sup>3</sup> Дəўқараев Н. Таңламалы шығармаларының еки томлығы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977.; Нурмухамедов М. Қарақалпақ совет әдебиятының раўажланыўына рус әдебиятының тәсири. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1956.; Мақсетов Қ. Қарақалпақ қахарманлық дэстанларының поэтикасы. – Тошкент: Фан, 1965.; Ахметов С. Қарақалпақ совет поэзиясы тарийхының очерклери. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1961.; Мəмбетов К. Әдебият теориясы, – Нөкис: Билим, 1995.; Жəримбетов Қ. XIX эсир қарақалпақ лирикасының жанрлық қәсийетлери хэм раўажланыў тарийхы. – Нөкис: Билим, 2004.; Оразымбетов Қ. Хəзирги қарақалпақ лирикасында көркем формалардың эволюциясы хэм типологиясы. – Нөкис: Билим, 2004.; Муратбаев Қ. Қарақалпақ поэзиясында косық қурылысы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977.; Генжемуратов Б. Əжинияз лирикасының поэтикасы. – Нөкис: Билим, 1997.; Гайлиева О. Ғəрезсизлик дəўири түркий халықлар лирикасында формалық изленислер хэм олардың типологиясы. – Нөкис: Билим, 2018.; Досимбетова А. Шаўдирбай Сейитов лирикасида бадий шакл (анъанавий ва янги шакллар уйғунлиги, ифода усуллари, эркин шеърларнинг шаклий хусусиятлари). Филол.фан.ном.….дисс.автореф. – Нукус: 2008.

адабиётшуносликнинг долзарб масалалари» мавзусидаги илмий тадқиқот йўналишида бажарилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** XX аср 30-йилларидаги қорақалпоқ шеър тузилиши ва бадиий шаклларнинг ўзига хослигини очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** юқоридаги мақсаддан келиб чиқиб, қуйидагича белгиланди;

қорақалпоқ адабиётшунослигида бадиий шакллар бўйича илмий изланишларни тизимлаштириш, истилоҳ табиатига ойдинлик киритиш;

қорақалпоқ адабиётида бадиий шакллар вужудга келиш омилларини тавсифлаш, шеър тузилиши қонуниятларини белгилаш;

қофия турлари, мазмун позицияси ва банд шакллари қўлланилиш доираси ҳамда бадиий вазифадошлигини текшириш;

қорақалпоқ лирикасида адабий алоқалар ва маданий ҳамкорлик натижасида пайдо бўлган поэтик шакллар пайдо бўлиш омиллари, ривожланиш босқичларини кўрсатиш, бадиийлик даражасини ўрганиш;

қорақалпоқ назмида мумтоз ва фольклорга доир анъаналар бирикуви жараёнини мантиқий жиҳатдан далолатлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 1930 йиллар қорақалпоқ шеърляти намуналари танлаб олинди.

**Тадқиқотнинг предмети.** XX аср 30-йилларида шеърлятда бадиий шакллар намоён бўлиши ва жанрий изланишлар, анъана ва тажриба яхлитлиги, шеър тузилиши тамойиллари тадқиқот предмети ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация мавзусини ёритиш мобайнида ўрни-ўрни билан қиёсий-тарихий, бадиий-эстетик таҳлилдан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ шеърляти мисолида янги бадиий шакллар ва жанрларнинг пайдо бўлиши, бу адабий ҳадисанинг намаён бўлишига таъсир ўтказган ички ва ташқи омиллар ва лирик шаклларнинг ривожланиш босқичлари аниқланган;

қорақалпоқ шеърлятида шеър тузилиши табиати, ўзига хослиги, турлари бошқа туркий халқлари ва жаҳон адабиётшунослигида олинган илмий хулосаларни ҳисобга олган ҳолда назарий жиҳатдан тадқиқ қилинган ва таснифланган;

лирикада банд ва қофия турлари ўртасидаги узвий муносабат, уларнинг шеър эстетик таъсирчанлигини таминлашдаги вазифаси ва умумий поэтикадаги ўрни тавсифланган;

қорақалпоқ шеърлятида анъаналарнинг муайян даврларда узилиб қолиши, қайта тикланиши, ривожланиш тадрижи, илғор тажриба билан бирикув ва бойиш жараёни далолатланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

адабиётшунослик назариясида бадиий шакллар тўғрисидаги назарий қарашларга шарҳ берилган, қорақалпоқ адабиётшунослигида жорий истилоҳ тадқиқ даражаси аниқланган;

қорақалпоқ шеърлятида шаклий изланишлар аҳамияти, тушунча кўпқатламлилиги ва миқёси бадиий вазифаси тадқиқ қилинган;

замонавий шеър тузилиши, бадий шакл техник структураси ўзига хослиги очиб берилган;

шеър бадий интизомида анъана ва тажриба яхлитлиги далолатланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотта қўлланилган усуллар, унда фойдаланилган назарий маълумотларнинг ишончли илмий ва бадий манбалардан олинганлиги, илмий хулосалар қиёсий-типологик, бадий-эстетик таҳлил усулларига асосланганлиги, XX аср 30-йиллар қорақалпоқ шеъриятида бадий шакллар қўлланилиш доираси бўйича назарий фикр ва тавсиялар амалиётда кенг қўлланилиши, олинган натижалар тегишли ташкилотлар томонидан тасдиқланиш даражаси билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти 1930 йиллар қорақалпоқ шеъриятида шаклий изланишлар моҳияти тўғрисидаги назарий қарашларни тўлдиришда, лирика жанрий тараққиётини назарий аспектта ўрганишда, шеър структураси ва техник-ижодий имкониятларини бойитишда, замонавий қорақалпоқ шеърияти ривожланиш қонуниятлари бўйича олиб бориладиган илмий-тадқиқот ишлари учун муайян назарий манбаа вазифасини бажаради.

Тадқиқот натижалари амалий аҳамияти олий таълим муассасаларида «XX аср қорақалпоқ адабиёти», «Шеър назарияси», «Ҳозирги адабий жараён», «Адабий танқид» фанларидан дарслик, ўқув қўлланма ва рисоалар яратиш ҳамда тўлдиришда, маъруза матнларини янгилашда, ихтисослик фанларидан махсус курс ва семинар машғулоти ўтказишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** XX асрнинг 30-йиллар қорақалпоқ шеъриятида анъана ва изланишлар мақоми, жумладан, шаклий ифода ва жанрий тараққиёт бўйича олинган илмий натижалар асосида:

шеъриятда бадий шакл ва жанрларнинг пайдо бўлиши ва тадрижи, шунингдек, қорақалпоқ шеъриятида янги шакл ва жанрларнинг ривожланиши бўйича илмий-назарий хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида 2017-2020 йилларда бажарилган ФА-Ф-1-005-рақамли «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослигида тадқиқотлар» мавзусидаги фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти 2020 йил 16 октябрдаги 213/1-сон маълумотномаси). Натижада XX аср бошларидаги қорақалпоқ шеъриятида шоирларнинг шаклий изланишлари натижасида пайдо бўлган янги шаклларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга асос бўлган;

XX аср қорақалпоқ шеърияти ривожланиш тамойиллари, шеърларнинг китобхон маънавий оламини бойитишда ва ёш авлод дунёқарашини юксалтиришда, инсонийлик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги ўрни билан боғлиқ мулоҳазалар Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси «Ёдном», «Адабиёт бўстони» махсус кўрсатувлари, «Адабий портрет», «Миллат ва маънавият» эшиттиришларини тайёрлашда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг 2020 йил 15



июлдаги, 01-02/146-сон маълумотномаси). Шу асосда 1930 йиллар қорақалпоқ шеърлятидаги бадий шакл тадрижи, уларнинг мазмун-моҳияти, жанрий хусусиятлари, жорий босқич қорақалпоқ шеърляти туркий адабиётда тутган ўрни ҳамда мақоми кенг жамоатчиликка тақдим қилинган;

қорақалпоқ шоирлари ижодида янги бадий шакл ва жанрий изланишларни белгилашда тадқиқот материаллари аҳамиятига доир илмий-назарий қарашлар Қорақалпоғистон Республикаси Бердақ миллий музейида қорақалпоқ шоирлари ижодига бағишланган тақдимотлар яратишда, мавжуд экспонатларни бойитишда муҳим манба сифатида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 23 июндаги 2-04/1030-сон маълумотномаси). Натижада мумтоз шоирлар илғор ижодий анъаналарининг 1930 йиллар қорақалпоқ шеърлятида номоён бўлиши ва янгиланиши бўйича материаллар ва экспонатлар мажмуаси шакллантирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Илмий тадқиқот натижалари жами 9 та, жумладан, 4 халқаро ва 5 республика илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Илмий тадқиқот мавзуси бўйича ҳаммаси 22 илмий иш босиб чиқарилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини эълон қилиш тавсия этилган илмий босмаларда 8 иш, шундан 5 мақола республика ва 3 мақола халқаро илмий журналларда, 9 мақола халқаро ва республика конференцияларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 150 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Киришда** мавзу долзарблиги ва зарурати, тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, диссертацияда кўтарилган муаммонинг ўрганилганлик ҳолати, мавзунинг диссертация бажарилган таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг методлари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши ва ҳажми борасида маълумотлар берилган.

Биринчи боб «**Қорақалпоқ шеърлятида бадий шакллар назарий асослари**», дея номланиб, «**Қорақалпоқ адабиётшунослиги фанида бадий шакллар таҳлили**» номланадиган биринчи фаслида истилоҳ табиати, ўзига хослиги таҳлилланади. «Дунёда поэтик сўз кудратига эга бўлмаган халқ мавжуд эмас. Поэтик сўз халқ маънавий ҳаёти кўзгуси. Қорақалпоқ шеърляти вужудга келиши унинг халқ сифатида шаклланиши билан боғлиқ.

Миллий шеърият аслида қадим замонлардан руҳий оламдан озикланади»<sup>4</sup>. Ибтидоий босқичдаёқ, назм муайян бир жамият, давр, миллат, халқ манфаатини ҳимоя қилган, уни қуйлаган. Шундай қатта ғояларни тасвирлаган шеърият тузилиши ўн бир бўғинли мисралар ҳамда етти саккиз бўғинли терма тўлғов намунасида шеърлар эканлиги бизга маълум<sup>5</sup>. Шундай бўлса-да халқ маънавий хазинаси бўлмиш шеърият икки тур билан чекланиб қолган эмас. Адабий алоқалар ва маданий ҳамкорлик натижасида қорақалпоқ шеърияти янгича шаклий-услубий изланишлар ҳисобига бойиди. Агар жорий лирика анъанавийлиги терма ва тўлғов жанрларидан иборат бўлса, XIX аср қорақалпоқ мумтоз шеъриятида тўртлик шакли анча оммалашди. XX аср 30-йилларида эса маданий ҳамкорлик кучайиши шаклий изланишлар салмоғи ортишига кенг йўл очади.

Қорақалпоқ адабиётшунослигида бу борада махсус тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, С.Ахметовнинг «Қорақалпоқ совет шеърияти», «Қорақалпоқ совет шеърияти тарихи очерклари»<sup>6</sup> илмий асарларида XX асргача қорақалпоқ шеърияти 7-8 бўғинли ва терма куй шаклидаги шеър шаклига асослангани, XX асрдан эътиборан эса қорақалпоқ шеърияти туркий ёзма адабиёти энг фаол шакллари билан алмашганлигини кўрсатиб, шоирларимизнинг шеърлари бадиийлиги, лирик ифодада юз берган шаклий изланишларга эътибор қаратилади. Банд турлари ва қофия аслида бир-бирига боғлиқ тушунчалар, мутахассис бир қатор шоирлар шеъриятини ўлчам томонидан анъанавий шеърият мантиқий давомчиси, деган хулосага келади. Мушоҳадани у 11 бўғинли 4 мисра, 8 бўғинли 4 мисра ва 8 бўғинли терма туридаги шеърларни қиёслаш ёрдамида далолатлайди. Ғояни бадиий, образли тасаввурга жамлаш, тасвир предметини жонли манзарада жилолантириш мақсадида шоир турли-туман тасвир воситаларидан (эпитет, таққослаш, метафора, гипербола) самарали фойдаланганлиги»<sup>7</sup> муаллиф томонидан қайд қилинади. XX асрнинг дастлабки босқичида ижодкорлар бадиий изланишлари таҳлилга тортилиб, аксар намуналарда тарғибот руҳи устуворлиги, асосий эътибор ҳаёт долзарб муаммоларига қаратилгани аён бўлади. Жорий ҳолат, даставвал, Д.Бедный, В.Маяковский, С.Муқанов, Ғ.Ғуллом ижодида бўй кўрсатган бўлса, кейинчалик қорақалпоқ шоирлари бадиий изланишларига ҳам кўчади. 1920 йилларда яратилган намуналар мавзуси, бадиияти ва савияси турли-туман бўлиши маъно тармоғи кенгайишига пайвандланади. Айнан мазмун жиддий янгиланиши шакл тақомилини тақозолайди. Вазифа нуқтаи назаридан янги бадиий шакллар кириб келиши осон кечмайди. Жорий ҳолатда анъана ва тажриба ёнма-ён яшайди. Шунинг учун ҳам бу даврдаги шеърлар янги шакл билан қатор анъанавий мазмун ва шакл уйғунлашувини кафолатлайди.

Адабиётшунос К.Мамбетовнинг «Ажиниёз» илмий очеркида Ажиниёз шоир лирикаси жанрий-шаклий хусусиятлари, шунингдек, шеър тузилиши

<sup>4</sup> Нурмухамедов М. Адабиет ва мафкура. – Тошкент: Ўздавнашр, 1977. –Б.98.

<sup>5</sup> Ахметов З. Казахское стихосложение. – Алма-Ата: Наука, 1964. –С. 223.

<sup>6</sup> Ахметов С. Қарақалпақ совет поэзиясы тарихының очерклери. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1961.

<sup>7</sup> Жапақов.Н. Аялберген Муўсаевтың творчествосы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1972. –Б.33.

қирраларини ўрганган. Муаллиф шоир ижодида ғазал, мухаммас, тўртликлар ҳақида салмоқли фикрлар билдиради. Адабиётда ҳар бир янги шакл ўзлашуви иқтидор ва истедодга боғлиқ. Ажиниёзнинг Шарқ шеърляти илғор анъаналарини яхши ўзлаштириши қорақалпоқ шеърляти сарҳадларини анча кенгайтди. Шоир ижодида Шарқ шеърляти намуналари билан баробар қорақалпоқ ёзма адабиёти анъаналари бўртиб туради<sup>8</sup>.

Академик Ҳ. Ҳамидов “Қорақалпоқ шеърлятида шеърнинг мухаммас шакли тўлиқ маъносида олиб кирган Ажиниёз эканлиги шубҳасиз”<sup>9</sup>, -дея ёзади. Қ.Жаримбетов<sup>10</sup> илмий талқинида ҳам жорий мушоҳада илғари сурилади. Ҳақиқатан ҳам, Ажиниёз ўз ижодида Шарқ шеърляти аксар жанрий шакл намуналарини ўзида мужассамлаштирган. Мутахассис назарий мушоҳадаларида қорақалпоқ лирикаси бадий тафаккурида тутган ўрни, асосий йўналишлари, XIX асрдаги қорақалпоқ шеърляти жанрий тараққиёти таснифланади. Муаллиф мумтоз назм жанрий хусусиятларини тарқоқ равишда эмас, чамбарчас боғлиқ адабий ривожланиш босқичи сифатида баҳолайди. Унда қорақалпоқ назми тарихий илдизлари халқ оғзаки ижоди намуналари, бахши-шоирлар ижро маҳорати натижаси ўлароқ терма ва тўлғовларга туташуви, фольклор жанрларида лирик хусусиятлар мавжудлиги, терма-тўлғовлар ва мақоллар қорақалпоқ дидактик талқини мағзини тайинлашига эътибор қаратилади<sup>11</sup>. Бахши лирик қаҳрамон образи орқали ўз туйғуларини ёрқин кўрсатиб беради. Шундай бўлса ҳам лирик қаҳрамон ўзлигини англаш жараёни тўлиқ тасвирланмайди, деган хулосага келади. Терма-тўлғовлар бир жанрдан иккинчи жанрга кўчиш даври, деб ҳисоблайди. «Тўртлик билан рубойининг орасида катта фарқ йўқ», бу икки жанр ўзига хослигини шеър ўлчами билан боғлайди.

Қ.Оразимбетовнинг монографик ишида қорақалпоқ адабиётида эркин шеърларнинг жанрий ўзгачалиги, шаклий хусусиятлари, уларни вужудга келтирадиган асосий омиллар, шеърнинг тузилиши каби масалалар бадий матн материалларига асосланган ҳолда тадқиқ қилинган. Олим қорақалпоқ лирикаси шаклий мундарижасини адабий алоқалар масалалари билан далолатлайди<sup>12</sup>. Негаки, ҳар бир миллий адабиёт бошқа халқ маданияти билан ижодий алоқага киришмасдан, уларнинг тажрибасини ўрганмасдан ўзича ривожланиши мумкин эмас. Муаллиф шоирлар томонидан яратилган мустахзодларни «мураккаб жанр» деб атайди. Айнан шеър шакли ўзлаштирилганда унинг ўлчами ҳам шу ҳолатда кўчиб ўтмаслиги тилнинг фонетик имкониятларига боғлиқ. Шеърнинг ташқи шакли ўзлаштирилгани билан шу халқнинг шеърлятига хос бўлган шеър ўлчами мезонларини ҳам унутмаслик керак. Лирикада мисра бадий шакли қорақалпоқ адабиётида учрашини қорақалпоқ адабиёти ривожланиши, деб ҳисоблайди. Бир

<sup>8</sup> Мәмбетов Қ. Эжинияз (илимий очерк). – Нөкис: Билим, 1994. –Б.90.

<sup>9</sup> Ҳамидов Ҳ. Шығыс тиллериндеги жазба дереклер хэм XIX әсирдеги қарақалпақ шайырлары.–Нөкис: Қарақалпастан, 1991. –Б.163.

<sup>10</sup> Жәримбетов Қ. Ашық Зийўар.– Нөкис: Билим, 1998. –Б. 28.

<sup>11</sup> Жәримбетов Қ. XIX әсир қарақалпақ лирикасының жанрлық қәсийетлери хэм раўажланыў тарийхы.– Нөкис: Билим, 2004. –Б.22 .

<sup>12</sup> Оразымбетов Қ. Таңдамалы шығармалары. 2 томлығы. – Нөкис: Билим, 2018. –Б.160.

мисрадан иборат шеърлар Т.Жумамуратов, Ж.Избасқанов томонидан ҳам яратилганлиги маълум. Бу санокли шеърлар шаклнинг бадий табиатини тўлиқ очиб кўрсатмаса-да, шаклнинг қорақалпоқ адабиётига кириб келиши ва ривожланишини белгилайди.

Адабиётшунос Қ. Муратбаевнинг «Қорақалпоқ шеъриятида шеър тузилиши» номли рисоласида қорақалпоқ шеърияти шеър тузилиши ҳақида мушоҳада юритиш ибтидоси фольклор намуналари бўлиши керак<sup>13</sup>, деган фикрни урғулайди. Тадқиқотчи кўрсатишича, XX аср 30-йилларидаги шоирлар аксариятида ўз шеърларини сатрларга тақсимлаш анъанаси бот-бот учрайди. Шеър шаклига тақлид қилиб шеър ёзиш ҳамиша кутилган натижа бермайди, шу боис ҳам бу адабий жараённи умумий қорақалпоқ шеърияти ёзма характери шаклланиш даври оқибатлари сифатида қарашнинг тарафдори эканлигини билдириб ўтади. Шарқ адабиёти шеър ўлчови бўлган аруз вазни бўйича ҳам бир қатор қарашлар мавжуд. Муаллиф бу ўринда қорақалпоқ тили билан араб тили лисоний хусусиятлари ҳақида гапириб, аруз вазни қорақалпоқ шеъриятига хос эмаслигини таъкидлайди. Қорақалпоқ шеъриятида мумтоз шоирлар ижодидаги ташқи шакли томонидан аруз вазнига ўхшаш шеърларни фақат ташқи шакл муштараклигига қараб эмас, балки ички тузилишига эътибор бериш кераклигини кўрсатади.

Шунингдек, сўнгги даврларда қорақалпоқ шеърияти ривожланиши ўзига хослиги ҳақида қорақалпоқ адабиётшунослигида бир қатор салмоқли тадқиқотлар пайдо бўлди. Б.Генжемуратов, З.Бекбергенова, А.Ҳамидова М.Мамбетова, Э.Ешниязова, Д.Пахратдинов, О.Гайлиева, А.Досимбетова<sup>14</sup> диссертацияларида ҳам бадий шаклга хос айрим жиҳатлар ўрганилади.

Боб иккинчи фасли «**Қорақалпоқ шеъриятида бадий шакллар илдизлари**», дея номланади. Қорақалпоқ адабиёти илдизлари бошқа туркий халқлар адабиёти негизлари билан турдош бўлиб, олис тарихга пайвандланади. Шеърият бу бадий сўз. Қадимги даврларданок шеърият ижодкор кўнгил мулки бўлиши билан бирга маълум бир жамият, давр, миллат, халқ манфаатини ҳимоя қилган ва уни куйлаган. Ҳақиқий бадий ижод инсон онгига садоқат, мардлик ҳамда ватанпарварликни сингдиради. Умуман лирик асарларни бадий-шаклий жиҳатдан қиёслаганда ҳар даврда яшаб ижод билан машғул шоирларда изланишлар кузатилади. Зотан, бадий ижод бир андозадаги бадий шаклни тайёр ҳолатда фойдаланишни англамайди. «Шунинг учун ҳар бир бадийлиги юксак асарларда шакл

<sup>13</sup> Муратбаев Қ. Қарақалпоқ поэзиясында қосық қурылысы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977. –Б.25.

<sup>14</sup> Генжемуратов Б. Эжинияз лирикасының поэтикасы. – Нөкис: Билим, 1997.; Бекбергенова З. Народно-поэтические традиции в современной каракалпакской поэзии (1970-80 годы). Филол.фан.ном....дисс.автореф. – Нукус: 1995.; Ҳамидова А. Творчество И.Юсупова и европейская литература. Филол.фан.ном....дисс.автореф. – Нукус: 1999.; Мамбетова М. Стихосложение в поэзии И.Юсупова. Филол.фан.ном....дисс.автореф. – Нукус: 1999.; Ешниязова Э. Лирика Т.Матмуратова (идейно-тематические, жанровые и художественные особенности). Филол.фан.ном....дисс.автореф. – Нукус: 2001.; Пахратдинов Д. Традиций Восточных классиков в лирике И.Юсупова. Филол.фан.ном....дисс.автореф. – Нукус: 2002.; Гайлиева О. Хозирги қорақалпоқ шеъриятида оралиқ шаклларнинг жанр ва шаклий хусусиятлари (1970-2000 йиллардаги эркин шеър ва насрий шеърлар). Филол. фан.ном....дисс.автореф. – Нукус: 2006.; Досимбетова А. Шаўдирбай Сейитов лирикасида бадий шакл (анъанавий ва янги шакллар уйғунлиги, ифода усуллари, эркин шеърларнинг шаклий хусусиятлари). Филол.фан.ном....дисс.автореф. – Нукус, 2008.

янгидан яратилади. Бошқалар томонидан яратилгани юксак бадий шакл эса -бу ҳар бир ижодкор учун ўрганиш мактаби бўлиб қолаверади»<sup>15</sup>.

Бадий шакл масаласи Шарқ ва Ғарб адабиётида қадимдан ўрганилиб, уларнинг бадий асарнинг яхлитлигидаги вазифаси тавсифланган. Бунга мисол сифатида Арастунинг «Поэтика», Ал-Фаробийнинг «Шоирлик қонуниятлари ҳақида», Алишер Навоийнинг «Мезон-ул авзон», Бобурнинг «Мухтасар», Атоуллох Хусайнийнинг «Аруз ўлчови ва бадийлик»<sup>16</sup> асарларида бадий асарда шакл ва мазмун масаласига тадқиқотда алоҳида диққат қаратилади. Шарқ шеърляти шаклий ва жанрий хусусиятлари бўйича бир қадар ривожланди. «Қарийб минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек лирикаси асосан 61 жанрга эга бўлди»<sup>17</sup>, лирикада бу жанрлардан айримларининг салмоғи пасайди, бази жанрлар истеъмолдан чиқди, айрим жанрлар янгидан пайдо бўлди. Қорақалпоқ шеърлятидаги бадий шаклларнинг кўринишлари сифатида халқ оғзаки ижоди намуналарини кўрсатиш мумкин. Бинобарин, оғзаки ижодда шеър анъанавий шакллари ўзининг мазмуни билан ҳамisha ривожланиб борганлигини кўрсатади. Фольклор усулида ёзилган шеърлар мазмуни ва унинг XX асрдаги адабиётда кўриниши ҳам шундай бадий изланишларнинг натижасида ривожланганлигини амалда кўрсатади. XX асрнинг 30-йилларидаги қорақалпоқ шеърлятида учрайдиган айрим шеър шакллари ҳам фольклор шаклларида ўзлаштирилганлигини пайқаш мумкин. Бу шакллар 7-8 бўғинли шеърлар ва терма-тўлғовларнинг воқеани баён қилиш шаклини кўрсатадиган шеър шакллари эди. Халқ кўшиқларидаги термалар кенг қамровли жанр бўлиб, шоирларимиз ифода услубидан фойдаланиб, бир қанча кўшиқлар яратган. Бу жараён далолатини Д.Назбергенов ва С.Мажитов бадий изланишларида кўришимиз мумкин.

Демак, анъанавий шеърлятдаги бу шакллар шу вақтга қадар халқнинг маънавий дунёқарашини белгилаб берган. Шеърля бу хусусиятлардан бирданига узоқлаб кетиш мумкин эмас эди. Сўз юритилаётган даврдаги шоирлар янги даврга мос янги шакл билан янги мазмунни ўзлаштиргани билан халқона шеърлятмизга хос бўлган белгиларни асло унутгани йўқ.

Тадқиқот иккинчи боби **“1930 йиллардаги қорақалпоқ шеърлятида шеър тузилиши масалалари”**, дея номланади. Унда шеър структураси назарий жиҳатлари умумлаштирилади. Амалиётда шеър тузилиши бўйича М.Л.Гаспаров, Л.И.Тимофеев, М.Ҳамраев, З.Ахметов, У.Тўйчиевлар салмоқли тадқиқотлар яратишган. Қорақалпоқ адабиётшунослигида эса бу борада Қ.Оразимбетов, Қ.Муратбаев, Б.Генжемуратов, М.Мамбетовалар

<sup>15</sup> Оразимбетов Қ. Ҳазирги қорақалпоқ лирикасында кўркем формалардың эволюциясы ҳам типологиясы. – Нөкис: Билим, 2004. –Б.21.

<sup>16</sup> Аристотель. Поэтика. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. Маҳкам Маҳмудов, Уммат Тўйчиев таржимоси.; Фарабий. Шоирлар санъати қонунлари ҳақида.– Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.; Алишер Навоий. Мезанул-авзон. Мукамал асарлар тўплами. Ўн олтинчи том. – Тошкент: Фан, 2000.; Бабур. Мухтасар. – Тошкент: Фан, 1971. Сайдбек Хасан нашрга таёрлаган.; Атауллох Хусайний. Алибек Рустамов таржимаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.

<sup>17</sup> Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. – Ташкент: Фан, 1992. –Б.142

жиддий изланишлар олиб боришган. Демак, шеър тузилиши тадқиқоти миллий адабиётшунослик жадал ривожланаётганлигидан далолат беради.

Бобнинг биринчи фасли «**1930 йиллардаги қорақалпоқ шеърлятида қофия масаласи**» деб аталади. Қофия поэтик сўзнинг ўзига хослигини таъминлашда радиф, маром каби махсус вазифа бажаради. Айниқса, оғзаки адабиёт асосида ривожланган адабиётларда, жумладан, қорақалпоқ адабиётида қофия ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Шеър қофияси бўйича адабиёт тадқиқотчилари қофияни турларини тафовутлаб, уларга алоҳида таърифлар берган. Қофия бўйича олимлар К.Мамбетов<sup>18</sup>, Қ.Оразимбетов<sup>19</sup> томонидан берилган назарий фикрларга таянган ҳолда, қофиянинг турлича кўринишлари таҳлил қилинади. Бу бўйича ўз тақлифларимизни билдирдик. Натижада қорақалпоқ шеърлятида қофияларни банд тузишдаги вазифасига асосан турлари, мураккаб қофиялар, ўзак ва қўшимча муносабатига монанд қофиянинг турлари, товуш қофиялар деб катта тўрт гуруҳга ажратилиб, шу асосда унинг ички таснифларини ўрганиб чиқишга ҳаракат қилдик.

Бу қофияларнинг шеърнинг бир бандида бир неча гуруҳи жам бўлиб келиши аниқ. Шунинг учун ҳам уларни ажратганда қофиянинг банд тузишга бўлган муносабати, сатрлардаги ички мазмун ва ички шакл, ҳижола, қофияланувчи қўшимчалар барчаси эътиборга олиниши керак.

Алтын, гүмис пенен темир ҳам мыслар,  
Хаслы жерден болар барлық турмыслар,  
Жерден тояр көкте қанатлы қуслар,  
Жерди бежер, сени жериң тойдырар<sup>20</sup>.

Бу банд тузишга бўлган муносабати бўйича қофиянинг а,а,а,б яъни биргаликдаги қофиялар. Шунинг билан бирга шеърнинг иккинчи қаторидаги «турмыслар» сўзи биринчи қатордаги «ҳам мыслар» сўзига ўз-аро қофияга тушиб мураккаб қофиянинг тури тўлиқ қофияни пайдо қилади.

Шоирларининг қофия учун шеър мазмунига бевосита таъсир қилувчи сўзларни топиб қўлланилиши уларнинг бадиий-эстетик танлови юксаклигини амалий жиҳатдан тавсифлайди.

Избасар Фозиловнинг «Қора қўй» шеърда аралаш қофия моҳирлик билан қўлланилган.

Қолдаўлы Қаллибек қойың Қарақой,  
Мен бир жетим қолыңдағы бала ғой,  
Алған мен байымассаң, тоймассаң,  
Керек болса жарты ҳақымда алағой<sup>21</sup>.

<sup>18</sup> Мамбетов К. Эдебият теориясы. – Нөкис: Билим, 1995. –Б.141.

<sup>19</sup> Оразимбетов Қ. Хэзирги қарақалпақ лирикасында көркем формалардың эволюциясы хэм типологиясы. – Нөкис: Билим, 2004. –Б.173.

<sup>20</sup> Мэжитов С. Таңламалы шығармалары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1965. –Б.47.

<sup>21</sup> Фазылов И. Аўыл бэхари. – Нөкис, Қарақалпақстан. 1975. –Б.21.

Шоир бу ерда «кара кой» деган биринчи сатрдаги сўзга иккинчи мисрада оғзаки нутқ услубига хос бўлган «бала ғой» деган сўзни моҳирона улайди. Натижада шеърининг мазмунидаги ҳомийи йўқ, химоячиси бўлмаган етим деган тушунчани яна ҳам чуқурлаштирган. Профессор К.Оразимбетов мураккаб қофиялар ҳақида билдирган фикрларида «Шоирлар бундай сўзларни қофия учун осонгина излаб топмаслиги мумкин. У ижодкорлик ҳолатда табиий ҳолда келиши эҳтимол. Айрим ҳолатда баъзи шоирлар қофия яратишда сўз ўйинидан фойдаланади ва шунинг натижасида ҳам жуфт қофиялар яратилади»<sup>22</sup> деб кўрсатиб ўтади.

Кордим жайлар неше-неше,  
Ишине кирсең текше-текше,  
Ойналып тур күнде пессе,  
Тамашасын көрип келдим<sup>23</sup>.

Намунада қофия учун биринчи ва иккинчи қатордаги «неше-неше», - «текше-текше» сўзлари танлаб олинган. Шеърда банд охиридаги сўз хар бир банддан сўнг такрорланиб келган. XX аср 30-йилларида қорақалпоқ шеърляти хар хил қофия кўринишларидан самарали фойдаланган. Бу қофиялар шоир танлаган ғояни етказиш, унга бадийлик бахш этиш, шеърнинг маромини орттириш ва банд тузиш каби масалаларга дахлдор эканлигини кўрамыз.

Иккинчи фасл **“1930 йиллардаги қорақалпоқ шеърлятида банд ва унинг турлари”**, - дея номланади. Қорақалпоқ адабиётда шоирлар бандни шеър асосий элементларининг бири ҳисоблайди. Негаки, банд орқали шеър сатрларини муайян тизимда қофияга бириктиради. Банд турли белгиларнинг жамланган бирикмаси. Бу ўринда ҳажм белгиси ҳам, қофияланиш тарзи ҳам, ўлчов бирикмаси ҳам, жанр белгиси ҳам қатнашади. «Банд умумий қофия изчиллиги билан белгиланади»<sup>24</sup> -деб ёзган эди Б.В.Томашевский.

М.Хамраев «Банд шеърнинг миллий шаклига таъсир қилувчи бўлгани учун ҳам барча адабиётда бир хил эмас»<sup>25</sup>, -деб ёзади. Тадқиқотчи бу ўринда қофияларнинг жойлашишига қараб банд тузилишини белгилаган бўлса. З.Ахметов «Қофия банднинг бирдан-бир кўриниши эмас, бироқ у сатрлар бирикуви кўриниши сифатида катта аҳамиятга эга. Шунингдек бандни ташкил қиладиган сатрлар миқдорини кўрсатади»<sup>26</sup> -деб белгилайди.

Ўзбек адабиётда У.Тўйчиев банд бўйича билдирилган мулоҳазасида банднинг асосини шеърнинг мазмуни ташкил этишини таъкидлаб ўтади<sup>27</sup>. Бу фикрни Қ.Оразимбетов ҳам қўллаб-қувватлайди. «Негаки, анъанавий шеърларда банд шаклини қофия жойлашишига қараб аниқлаган билан,

<sup>22</sup> Оразимбетов Қ. Хэзирги қарақалпақ лирикасында көркем формалардың эволюциясы хэм типологиясы. – Нөкис: Билим, 2004. –Б.172.

<sup>23</sup> Қарақалпақ поэзиясының антологиясы.– Нөкис: Қарақалпақ мәмлекет баспасы, 1956. –Б.344.

<sup>24</sup> Томашевский Б.В. Теория литературы. Поэтика, – Москва: Аспект Пресс, 1999. –С.224.

<sup>25</sup> Хамраев М. Основы тюркского стихосложения. – Алма-Ата, Академий наук Казахской ССР, 1963. –С.183.

<sup>26</sup> Ахметов З. Казахское стихосложение. – Алма-Ата: Наука, 1964. –Б.145.

<sup>27</sup> Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. – Тошкент: Фан, 1985. –Б. 254.

қофиясиз шеърларда бу мезон тўғри келмайди»<sup>28</sup>. Илмий ишларда қорақалпоқ шеъриясида икки сатрли бандлар азалдан мавжуд шакл эканлиги, ҳаттоки, банддаги шеъри сўзи икки мисра қўшилишидан келиб чиққанлиги ҳақида тахминлар ҳам илгари сурилади<sup>29</sup>.

Банд бўйича адабиётшунослик фанида бир қанча илмий-назарий нуқтаи назарлар бор. Диссертацияда Б.В.Томашевский, М.Хамраев, З.Ахметов, У.Туйчиевларнинг қорақалпоқ адабиётшунослигида Қ.Мақсетов, Қ.Муратбаев, Қ.Оразимбетовларнинг фикрларига таянган ҳолда, бандга назарий таъриф берилган.

Икки сатрли шеърларнинг алоҳида ўзига хос шакли - бу ҳар банди фақат икки мисрадан иборат шакл. Бу шаклнинг яратилиши қадимий даврлардан бошланиши маълум. XX асрнинг 30-йилларидаги шоирлар ҳам бу шакллардан фойдаланди ва янада ривожлантирди. Икки мисрали бандлар фақат шаклий жиҳатдан икки мисрага йиғилмасдан, шу шаклда берилиши унинг композицион яхлитлигини таъминлайди.

Назарий ишларда уч сатрли бандлар қорақалпоқ шеъриясида 70-йилларда пайдо бўлганлиги бўйича маълумот берилади. Бу шакл бўлса 30-йиллардаги қорақалпоқ шеъриясида ҳам, айниқса, Д.Назбергенов, Н.Жапақов, Х.Ахметовлар ижодида учрайди. Шеърининг банд тузилиши ҳам анъанавий шаклдан четлаб ўтган ва у учликларнинг банд тузилишига жуда яқин келади. Сўз юритилаётган даврдаги бундай банд тузилиши ҳозирги қорақалпоқ шеъриясидаги уч мисрали бандлар энг дастлабки намуналаридан деб баҳоласак бўлади.

Беш мисрали шеър мухаммаслар қорақалпоқ шеъриясига XIX асрда кириб келади. Ҳозирги қорақалпоқ шеъриясида бешлик ўзининг яратилиш давридаги мумтоз шаклидан ҳам, мазмунан ҳам ўзгаришга учраган. У ҳар хил мавзунин баён этиши, ҳар хил қофия, ўлчов шаклларига эга бўлиши мумкин. XX асрнинг дастлабки йилларида ижод билан шуғулланган шоир С.Мажитовнинг ижодида кўришимизга бўлади. Масалан:

Мэз болып күлген тәбиғат ерик гүлин ашқан күн бүгин,  
Қанға батқан исши, дийхан бәри табысқан күн бүгин,  
Жеңилип қара жүреклер ортадан қашқан күн бүгин,  
Бирлесип исши, дийханның арын алған күн бүгин,  
Жазылып тарийх бетинде мәңги қалған күн бүгин<sup>30</sup>.

Бу беш қаторлик мухаммас, унда радифлар ҳам ишлатилган бўлиб, бундан олдинги сўзлар ҳам ўзаро қофияга тушган. Шоир шеърларида шакл ва мазмун танлашда ўзига хос бўлган услубига эга эканлигини кўришимиз мумкин.

<sup>28</sup> Оразымбетов Қ. Ҳазирги қарақалпақ лирикасында көркем формалардың эволюциясы хэм типологиясы. – Нөкис: Билим, 2004. –Б.143.

<sup>29</sup> Мақсетов Қ. Қарақалпақ қахарманлық дэстанларының поэтикасы. – Тошкент: Фан, 1965. –Б.293., Муратбаев Қ. Қарақалпақ поэзиясында қосық қурылысы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1977. –Б. 9.

<sup>30</sup> Мажитов С. Таңламалы шығармалары. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1965. –Б.34.



Шунингдек бу давр шеърлятида банд сатрлари хар хил бўлиб келиш ҳолатлари кўплаб учрайди.

Сыйпалап бир қойды,  
Қайтарып шашын,  
Қарағысы келмеди,  
Көтерип басын,  
Таныса да танымағандай,  
Ески жолдасын<sup>31</sup>.

Демак, бу давр шеърлятида банд динамикаси бир хил эмас. Шеърнинг тўрт сатрдан сўнг фикр маълум даражада яқунлангандай сезилади. Бироқ муаллиф шундай усулни танлаб, шеър мазмунини янада кескинлаштиради ва фикр маромини кучайтиради. Банд мазмуни ҳам кўпроқ охириги икки мисрага жамланган. Асосий мазмунга боғлиқ фикрлар охириги икки сатрда ойдинлашади. Шеърнинг фақат шу банди шундай ёзилиб, қолган бандлар тўрт мисрадан ташкил топади. Демак, шеър тузилиши, мазмуни етиб боришида шаклий изланишларни юксак баҳолашга лойиқ деб ҳисоблаймиз.

Бу даврдаги шоирларимизнинг шеърга банд тузишдаги изланишлар, асосан, икки мисрали бандлардан бошланиб, уч мисрали, беш мисрали шеър, бандсиз шеърлар, ва анъанавий тўрт мисрали бандлар кўринишида ўз ифодасини топади. Шоирлар томонидан қўлланилган банд турлари уларнинг шеърнинг мазмунини етказишдаги бадиий изланишлар бир кўриниши ҳисобланади.

Учинчи боб «**1930 йиллар қорақалпоқ шеърлятида анъанавий ва янги жанрий шакллар**», дея номланиб, унинг биринчи фаслида «**1930 йилларда қорақалпоқ шеърлятида янги жанрий шакллар шаклланиши ва ривожланиши**» масаласи ўрганилади. Қорақалпоқ шеърляти ўзининг ривожланиш даврида бир қанча босқичларни босиб ўтди. У дастлаб фольклор анъаналари негиздаги шеър шакллари асосида фаолият юритган бўлса, кейинчалик мумтоз шоирларимиз унга қўшимча шакл соҳасида изланишлар олиб боришди. Асар мазмунини етказиб беришда унга танланган шакл муайян аҳамият касб этади. Рус адабиётида В.Маяковскийнинг шеърга шакл излаши унинг бу йўналишдаги ютуқлари юксак баҳоланади. XX асрнинг 30-йилларида ёзилган А.Бегимов, Х.Ахметов, Д.Назбергенов, Ж.Аймурзаевлар шеърлятида бу ўлчовнинг таъсир доирасини кўришимиз мумкин. Қорақалпоқ шоирлари бу ўлчовга бирдан келган эмас. Улар янги йўналиш, янги йўлга асосланиб шеърларини бўлақлаб, «синдириб» ёзгани билан бу шеърларнинг кўпчилиги асосан силлабик ўлчовга эга.

Бу даврда қорақалпоқ шоирлари Маяковскийни ўзларига устоз санаб, шеър ёзиш усулига тақлид қилиб, сатрларни бўлақлаб ёзгани билан бу шеърларнинг кўпчилиги асосан бармоқ вазнига хос шеърлар бўлди. Тадқиқотчи Н.Каримов: «Ўзбек шоирлари бу йилларда рус ва жаҳон шеърляти даҳолари тажрибасидан фойдаланар экан, оддий тақлид ҳоллари

<sup>31</sup> Фазылов И. Аўыл бэхэри. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1975. –Б. 103.

хам пайдо бўлмай қолмади. Айниқса Маяковскийнинг новатор шеърляти сирларини тўлиқ тушунмай туриб, «зинали» шеър шаклини ўзбек шеърлятига механик тартибда кўчириш ҳоллари ҳам кўринади»<sup>32</sup> деб ёзади.

Келдим мине  
Орынланды  
  тилегим,  
Услағандай,  
  Сулыўымның  
  Билегин  
Көкке өрлеп  
  Кеўлим шалқып  
  Тасады  
Кумарлықта  
  Алып ушып  
  Жүрегим<sup>33</sup>.

